

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 5 февраль, № 25 (4435)

Сешанба

## ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



Мухоммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

2008 йил

Ёшлар йили

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида аспирантлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясининг 2008 йилги танлови галибларига гувоҳномалар топширилди.

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири А. Парпиев Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг пухта таълим олиши, ўз иқтидори ва салоҳиятини тўла намойён этиши, илм-фаннинг барча йўналишларида изланишлар

олиб боришига қаратилган ислохотлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Юртимизда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро интеграциялашувни таъминлаш, илмий изланиш олиб бораётган иқти-

дорли ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Ёшлар йили, деб эълон қилинган жорий йилда бундай эзгу юмушлар қўлами тобора ортаётгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини стипендияси учун аспирантлар ўртасида ўтказилган ва галик танловга тақдим этилган ишларнинг юртимиз таълим тизими, илм-фан, ахборотлашти-

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Бешкент-шифер» масъулияти чекланган жамияти ва ХХРдаги «NIGAR» компанияси ташкил этган «Temur-Chin» қўшма корхонасида шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

### Ҳам сифатли, ҳам арзон

Унинг низоом жамғармаси 500 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, шу маблағ ҳисобидан Хитойнинг Таншань шаҳридан шифер ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналар олиб келинди. Бир кеча-кундузда 3800 дона шифер тайёрлаш қувватига эга бўлган ва линия Қарши шаҳридаги ишламай ётган йирик панелли ўйсолик комбинати биносига ўрнатилмоқда. Уни ўрнатиш ва ишга туширишни хитойлик мутахассислар амалга оширишди. Ҳозир маҳаллий ёшлардан ишчилар қабул қилинмоқда. Улар ишни тўла ўзлаштиришга, барча жараёнларни бошқаришни ўз қўлларига олишди. Шу вақтгача шифер қўшни вилоятлардан олиб келинарди. Транспорт харажатлари туфайли унинг нархи ҳам баланд эди. Янги корхона ишга тушгач, вилоят аҳолиси арзон ва сифатли шифер билан тўлиқ таъминланган бўлади.

08. 5. fev. N 25 (4435)  
Б. НОРҚОБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Тадбиркорнинг эзгу ишлари

Қўқонқиллоқ шаҳарчасида қад ростлаган, баландлиги 15 метрли миноранинг юқори қисмида уч томонга қаратилган катта соатлар ўрнатилган. У гўё тўхтовсиз вақт ўлаб, одамларни тинч ва осойишта ҳаётининг ҳар лаҳзасини босмар ўтказмасликка, унинг қадрига етишга даъват этаётгандек.

«Усом ота» фирмаси раҳбари Зокиржон Йўлчиев томонидан шарқона услубда барпо этилган бинонинг биринчи қаватида озик-овқат ҳамда уй-рўзгор буюмлари сотишга мўлжалланган дўконлар ўрин олди. Иккинчи қавати меҳмонларга мўлжалланган бўлиб, келиб-кетувчилар кенг ва шинам хоналарда хордиқ чиқарадилар. Ертулада эса нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Муқим иш жойига

эга бўлган 16 нафар пахта-ободликлар бу ерда кунига 1500 дона нон, ярим тоннадан ортик қандолат маҳсулотларини харидорларга етказиб беришмоқда.  
Тадбиркор соф даромадининг бир қисмини ўзи билан олган мактабнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларига ажратиб, стипендия ҳам ташкил этди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### «Paynet»нинг янги хизмати

«Paynet» компанияси шохбчаларида шаҳар телефон тармоқлари учун тўловларни амалга ошириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур компания вакиллари томонидан ўтказилган матбуот анжуманида мамлакатимизда Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси жадал ривожланиётгани алоҳида таъкидланди. Шаҳар ва туман марказларидаги барча алоқа тармоқлари рақамлаштирилиб, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларга халқаро телефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш бўйича юқори сифатли хизмат кўрсатишмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони муҳим дастурлашам бўлиб хизмат қилмоқда.

Компания вакили Пётр Теннинг айтишича, ўз фаолиятини 2005 йилда бошлаган «Paynet» компанияси аҳолига телекоммуникация ва бошқа хизмат турлари учун тўловлар қабул қилиш бўйича муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Унинг асосий хизмати ахборот коммуникаторлари билан боғлиқ тўловлар учун кетадиган вақтни тежашга қаратилган.

Ҳозир мамлакатимизда «Paynet»нинг беш мингдан зиёд тўлов шохбачаси фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилдан мазкур шохбачаларда шаҳар телефон тармоқлари учун тўловларни амалга ошириш имконияти яна яратилди. Янги жорий этилган тизим ҳам маънавий тўловларни амалга оширишда тежориклини оширишга, пировардида, вақтни тежашга хизмат қилади.

НОДИРА МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири.

«Баркамол авлод»  
2008  
Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари финал босқичига жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси мезбонлик қилади.

### Тараққий қизғин

«Баркамол авлод—2008» мусобақалари мусобақати билан Қорақалпоғистонда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Мусобақа иштирокчиларини кутиб олиш, ётоқхона ва спорт мажмуаларини таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб бориляпти. Жумладан, Нукус спорт коллежи стадиони ва ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилишига 3390,0 миллион сўм, Нукус Олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи стадиони ва ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилишига эса 1062,9 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Дастурдаги асосий мусобақалар ўтадиган «Тур» марказий стадионда ҳам кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилди. Мақмулда спортнинг қўллаб турлари бўйича мажмуотлар ўтказиш имконияти мавжуд.

Айтиш мумкин, кейинги йилларда Оролбўйида спортнинг мустақкам негизи яратилди. Айни пайтда бу ерда 530 дан зиёд спорт заллари, тўртта сузиш ҳавзаси, 3800 дан ортик спорт майдончалари жисмоний чиниқувчилар хизматида, 500 нафарга яқин мурабий ёшларга спорт сирларидан сабоқ бермоқда.

Обиджон Усмонов ўн бир ёшдан бошлаб спортнинг бокс тури билан шуғулланади. Мураббий Жасур Нуримбетов билан олиб бораётган самарасида Ўзбекистон биринчилиги ва Қозғистонда ўтган халқаро турнирда совриндор бўлди. Айни кунларда Обиджон яна машғулотларга эъри берган. Мақсади Қорақалпоғистон тарма жамоаси таркибиде «Баркамол авлод—2008» спорт ўйинлари медалини ҳам қўлга киритиш.

ҲИДОЯТ АҲМЕДОВ.

## ХОНЖИЗА ҲАЗИНАСИ

Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан қурилиб, ишга туширилган янги «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли бугунги кундаги бунёдкорлик ишларимизга кенг қўламли, асрий орзу-ниятларимизга қанот, интилишларимизга сабот бахш этмоқда.

Хусусан, ўтган икки йил ичида Бойсун тоғларининг ер ости ва ер усти қазилма бойликларини қидириб топишга йўналтирилган инвестиция блоги доирасида Малайзиянинг «Петронас — Чаригаги Оверсис» компанияси билан ҳамкорликда салмоқли юмушлар бажарилди.

Шундай бойликлардан бири — кўмир конлари. Уларни кенгайтириб, технологияларни модернизациялаштириш ўзи мамлакатимизда кўмир қазиб олиш ҳажмини қарийб уч бараварга ошириш имкониятини яратди. 2009 йилга бориб эса, Хонжиза тоғ конларидан 650 минг тонна полиметал руда қазиб олиш ҳам режалаштирилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг ҳаётбахш экинларидан Хисор тоғ тизмалари ҳудудидаги 40 квадрат километрлик Хонжиза замини уйғонмоқда, қайта тугилмоқда.

Хонжиза яқингада Сарюсиё туманининг «Теллақчиор» қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидеги кичик бир овул саналарди. Узининг хушманзара табиатию мевали боғ-роғлари билан тилга тушанди. Кейинчалик бу ерда вулканоген сульфидларнинг металлген захиралари борлиги аниқланган. у «Хазина тоғ» деб юритила бошланди. Лекин ўша хазина ёпиқликча қолиб кетаверди. Истиқлолимиз айни шу

ноёб хазинага олтин қалит бўлди, десак хато бўлмас. Қидирув-таҳлил ишлари Хонжизада 1,5 миллион тонна рух, 180 минг тонна мис, 700 минг тонна қўрғош, 3 минг тоннага яқин қумш борлигидан далолат бермоқда. Изчил олиб борилаётган қидирув юмушлари эса минтақада бошқа ноёб маъданлар захиралари ҳам мавжудлигини кўрсатди.

Биз Хонжиза жавоҳирлари келаси йилдан бошлаб қазиб олинишни айтдик. Амалда бу улкан режани амалга оширишга ҳозирданқ пўйдевор яратилмоқда. Мамлакатимиз Реконструкция ва тараққиёт жамғармаси иштирокида ушбу йўналишда инвестиция дастури тасдиқлангани маълум. Бу дастурга қўра, Хонжизанинг рангли металлургия фақат Олмалик тоғ-металлургия комбинати ўз базасида қайта ишлайди. Маълум бир муддат ўтган, коннинг узида ҳам фабрика очилди. Унда қайта ишланган полиметал қўшимчалари комбинатга етказиб берилди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қўра, шу тариқа, дастлабки 30 йил мобайнида 19 миллион тоннадан кўпроқ Хонжиза рангли металл хом ашёлари қайта ишланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси» томонидан «O'zLiDeP фаолияти, дастурий мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш йўллари» мавзусида ўқув семинари ташкил этилди.

### МАҚСАД — ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзЛиДеП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Кенгашларининг матбуот хизмати вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан мақсад, ҳозирда республикамиз оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган O'zLiDeP дастурий фаолиятига оид материаллар сифати янада яхшилаш, партиянинг матбуот хизмати ва ОАВ ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришдан иборатдир.

Семинар кун тартибиде «Янги сиёсий жараёнда партиянинг устувор вазифалари», «Партия фаолиятини телевидение ва радио орқали ёритиш усуллари», «Ахборот манбалари яратилиш ва ОАВ билан ҳамкорлик» ҳамда яна бошқа мавзуларда маърузалар тингланди. Бахш-мунозараларда партия матбуот хизмати вакиллари малакаларини янада ошириш, улар учун турли семинар-тренинглар ташкил этиш лозимлиги юзасидан тақлифлар билдирилди.

Ю. БҮРОНОВ,  
О. ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Президентимиз Ислоом Каримов томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда амалга оширилиши белгиланган вазифалар серқирра бўлиб, аввало, жисмонан ва маънави соғлом, интеллектуал ривожланган ёш авлоднинг тарбиялаш билан боғлиқдир. Ушбу талабларга жавоб берадиган ёш авлод меҳр ва муҳаббат оёғини — оилада камол топади. Шу боис, келгуси авлод, демакки, мамлакатимиз келажаги қандай бўлиши оиланинг бугунги ижтимоий-иқтисодий мақомига, ундаги муносабатлар уйғунлигига боғлиқ. ЎЗА мухбирининг Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори ВАСИЛА ҚАРИМОВА билан суҳбати ана шу масала ҳусусида бўлди.

## ИНСОН — ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

— Ўзбекистонда истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, оилани мустаҳкамлаш, унинг макomini ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш давлатимиз раҳбарлари олиб бораётган давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланган, — дейди В. Қаримова. — Мамлакатимизда амалга ошириляётган қўллаб-қувватланадиган давлат сиёсати билан муаммолари билан шуғулланганидан бундай тузилма мавжуд эмас.

Президент Ислоом Каримов томонидан ушбу йўналишда қуриляётган чора-тадбирлар жамиятимизда инсон — энг олий қадрият эканини яққол намойён этади. Иқтисо-

диёт, ижтимоий ҳаёт, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида олиб бориляётган ислохотлар ҳар бир фуқаро ва бутун халқимиз манфаатини қўзалайди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги қарорига мувофиқ Республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши ҳам ана шу олийноб мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондан ташқари МДҲнинг бошқа ҳеч бир мамлакатида давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ва оила муаммолари билан шуғулланганидан бундай тузилма мавжуд эмас.

— Марказ олдига қўйилган

вазифалар нималардан иборат ва унинг фаолият доираси қандай соҳаларни қамраб олади? — «Оила» маркази Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида ташкил этилган бўлиб, у оила муаммоларини комплекс равишда илмий-амалий ўрганишни мувофиқлаштириш, оила аъзоларининг ҳуқуқий, тиббий, психологик ва маънавий маданиятини юксалтириш, фуқароларга оилавий муносабатларни тартибга солиш масалаларида ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади.

Ушбу вазифаларни бажариш учун биз шу масалалар бўйича шуғул-

ланадиган барча давлат ва жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қиламиз. «Оила» маркази тадқиқотлари натижалари, унинг тавсиялари ва тайёрлаган услубий адабиётларидан асарият вазирликлари, жумладан, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-

### Оила ва жамият

ча ишлаб чиқилган 48 та мавзуга оид анкета асосида сўровлар ўтказиб келмоқдамиз. Бу борада олинган натижалар таҳлил қилиниб, улардан илмий ва амалий фаолиятимиз



лар учун ижтимоий ходимларни тайёрлаш факультети очилди. Мактаб таълими дастурига Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 16 соатлик «Тиббиёт асослари» курси киритилди, коллеж ва лицейларда «Оила психологияси» фани ўқутилмоқда.

— Мамлакатимизда ёш оилаларни давлат даражасида қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларда марказ қандай иштирок этмоқда?

— Статистика маълумотларига қўра, Ўзбекистонда 6,5 миллиондан ортик оила истиқомат қилади, уларнинг бир миллионга яқинини эса ёш оилалар ташкил этади. Марказимиз уларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Негаки, одатда, оиладаги қўллаб-қувватлаш муаммолар, шу жумладан, ажралишлар никоҳнинг дастлабки йиллари-

(Давоми 2-бетда).





Саломатлик

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ САМАРАСИ



Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «2007 йилнинг энг илгор тиббиёт муассасаси» деб топилган Бухоро вилоят болалар шифохонасида интернет хоналари ташкил этилган.

Улар воситасида шифокорлар тиббиёт соҳасидаги энг сўнгги янгиликлардан мунтазам тарзда хабардор бўлиб боришмоқда.

Беморларни замонавий даволаш усуллари орқали соғломлаштириш, — дейди бош шифокор А. Шамсиддинов. — Яқинда муассасамиздаги шарт-шароитлар янада яхшилангани кузатишмоқда.

Вилоят марказидан чамаси 70-80 километр олинганда қишлоқ врачлик пунктида кўрганларимиз, чиндан ҳам, эътиборга сазовор.

Айтиш жоизки, «Саломатлик-2» лойиҳасига қиритилган вилоятдаги 332 та қишлоқ врачлик пунктига Бутунжаҳон Тараққиёт банки кредитлари ҳисобидан 1,4 миллиард сўмлик 35 хилдаги 16 минг донга замонавий тиббий асбоблар келтирилди.

Хомийлар кўмаги билан масканимиз биноси тубдан таъмирланди. Қулай шарт-шароитда ишлашга нима етсин.

Вилоят марказидан чамаси 70-80 километр олинганда қишлоқ врачлик пунктида кўрганларимиз, чиндан ҳам, эътиборга сазовор. Иссиқ тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Фармонига мувофиқ, шифохонамиз вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказига айлантирилди.

Айтиш жоизки, «Саломатлик-2» лойиҳасига қиритилган вилоятдаги 332 та қишлоқ врачлик пунктига Бутунжаҳон Тараққиёт банки кредитлари ҳисобидан 1,4 миллиард сўмлик 35 хилдаги 16 минг донга замонавий тиббий асбоблар келтирилди.

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинидаги туб ўзгаришлар кадрлар малакаси ва билимини ошириши ҳам тақозо этади, албатта.

Зеро, янги ҚВПлар ишга тушмоқда, улар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланаяпти. Шифокорлар бу янги ускуналар билан ишлашга тайёри, деган савол туғилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти мутахассислари кўмағида кўплаб семинар-тренинглар ўтказилаяпти, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси Маъмураҳон Сафоова. — Яқинда «Саломатлик-2» ҳамда «Аёллар ва болалар соғлиқини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш кўмағи буюрди.

«Аёллар ва болалар соғлиқини мустаҳкамлаш» лойиҳаларини амалга ошириш кўмағи буюрди. Шифокорлари ва ҳамширалар учун ўтказилган семинар-тренинг фикримизга далил бўла олади...

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Спорт Sport Спорт
Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс бўйича Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнир якунланди.

ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАЛАРИ СОНИ 28 ТАГА ЕТДИ
Унда иштирок этган тўққиз нафар боксчимиздан тўрттаси юртимизга Олимпиада йўлланмалари билан қайтадиган бўлди.

ТАЭКВАНДОЧИЛАР — ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ
Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуаси таэквандо ИТФ бўйича йилнинг илк мусобақаси — Ўзбекистон биринчилигига мезбонлик қилди.

«Ўзбекистон таэквандочилари — гиёхвандликка қарши» шиори остида уюштирилган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 700 нафарга яқин спортчилар голиблик учун татамига чиқдилар.

Гонконгда 2008 йилнинг 8 — 24 август кунлари Хитой пойтахти Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари машъаласи намойиш этилди, деб хабар беради «Reuters».

МАШЪАЛА НАМОЙИШИ
Таъкидлаш лозимки, Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган от спорт мусобақалари бўлиб ўтаётган Гонконг машъалани биринчи бўлиб қабул қилди.

Спорт Sport Спорт

Кўчалардорлаштириш
КўЧАТХОНА
пул ўтказиш йўли билан
манзарали, игнабаргли, япроқли дарахт ва буталар — қарағайлар, арчалар, қора арча, тую дарахтлари, юккалар, каштанлар, толлар, шамшод, бересклет, хинд сирени, Сурия атиргуллини сотади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадусулф Тешабоевга акаси

Манзил: 100187, Тошкент ш., Мирзо Улўбек тумани, Қурбонов к., 91-уй, 16, 89-автотўқуларнинг «Автомобильбаза» бекети. Мўлжал — масжид. Телефон: 266-88-68. Уяли телефон: 317-33-45, 387-16-57.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси Банк иши кафедраси мудири, профессор Уқтам Рашидовга оғаси

МАДАНИЯТ хабарлари
Пойтахтимиздаги Миср маданият марказида «Менинг Миср ҳақидаги тасавурларим» суратлар танловининг голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
Суратларда эҳромлар юрти
Мазкур танлов фақат Тошкент вилоятидаги коллеж, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилди.

«Ўзметкомбинат» АЙЧБ
қўйидаги халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради: кенг ассортиментдаги сирланган пўлат идиш-товоқлар, пўлат симлардан тайёрланган миҳ, металл тўрлар. Бундан ташқари, комбинатда пайвандлаш электродлари, тиканли сим, болт, гайкалар ҳам ишлаб чиқарилади.

Table with 3 columns: Location (e.g., Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий вилояти), Contact Info (Phone numbers), and Product/Service details.

Российский Обои линолеум виниловые
тел. 234-48-11
факс 234-49-58
Форма оппаты — любая
Товар сертифицирован

ЛУКОЙЛ
надежность в любых условиях
Тел.: 140-04-25
140-04-26

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 26 январдан 1 февралгача бўлган маълумот
1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. «Йўл ҳаракати қондаларини бузилишига доир маъмурий ишларни қўриб чиқиш ташкил этиш ҳақидаги йўриқнома» қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 2008 йил 15 январдаги 14-сонли буйруғи.
2008 йил 28 январда 933-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 7 февралдан қўчга қиради).

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳас — Ҳ. Тўшхўнаев.